

**БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР
АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Фарҳоджон Кубаевич Холмаматов
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аннотация. Банк тизимининг асосий барқарорлик кўрсаткичларидан бири бу ликвидлилик кўрсаткичлари ҳисобланади. Банк ликвидлиги банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган (номақбул) йўқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашни билдиради. Ликвидлиликни бошқариш банкнинг актив, пассив ва рискларни бошқаришда асосий жараён ҳисобланади.

Мазкур мақолада тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичларининг моҳияти, уни ҳисоблаш методикаси, турлари, ликвидлилик бўйича Базель кўмитасининг тегишли ҳужжатлари ҳамда мамлакат банк тизими ликвидлилик ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: банк ликвидлиги, банкнинг тўловга лаёқатлиги, қарз мажбуриятлари, жорий ликвидлик коэффиценти, ликвидлилик rischi, мавжуд барқарор манбалар коэффиценти, кредит ва бозор rischi, кредит rischi, бозор rischi, стандартлашган ёндашув, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти, соф барқарор молиялаштириш меъёри, лаҳзали ликвидлилик.

Кириш

Ликвидлилик тижорат банклари фаолиятида энг асосий тушунчалардан биридир. Ликвидлилик тижорат банклари ишончилиги ва барқарорлиги асосини ташкил этади ва банкнинг тўлов қобилияти бўлишига замин яратади.

Тижорат банкларининг мижозлар ва кредиторлар олдида ўз имиджини сақлаб қолиши учун, энг аввало, уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкам бўлиши лозим.

Агар, банк мижозлари олдидаги депозитларни қайтариш вақти етганда бажара олмаса, у вақтинчалик ликвидли бўлмайдди, лекин банкка маблағлар келиб тушгандан кейин, у мажбуриятларни тўлай олади ва ўзининг ликвидлигини тиклайди. Ушбу вазифани банклар ташқи қарз ёки банклараро кредитлар эвазига ҳам амалга оширишлари мумкин. Ўз вақтида банк мажбуриятларини бажара олмаслиги банкнинг тўлов қобилиятига таъсир этмайди. Тўловга қобилиятли банк у эртами, кечми ўз мажбуриятларини албатта бажаради. Ликвидли банк эса, ўз муддатида мажбуриятларини бажарадиган банкдир.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида “...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган.[1]

Тижорат банкларининг ликвидлиги бўйича бир гуруҳ америкалик иқтисодчиларнинг фикрига кўра (Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кэмпбелл ва Розмари Дж.Кэмпбеллар) “Тўловга қобилиятсиз банк (insolvent bank) – ушбу банкнинг депозитлар ва қарз мажбуриятлари суммасининг йиғиндиси активлар ҳажмидан ортиб кетишидир”.[2]

Профессор О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра “Банк ликвидлиги – унинг ўз вақтида ва кам сарфлар ҳисобига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини адо этишидир”.[3]

Профессор А.Тавасиевнинг фикрига кўра “Банк ликвидлиги – таҳлил жараёнида банк мижозлар ва турли контрагентлар олдида мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигида намоён бўлади”.[4]

В.И.Колесников ва Л.П.Кролевицкаялар: “ликвидлилик – бу тижорат банки контрагентлар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, бу эса банк капиталининг етарлилиги, тегишли муддатларни ҳисобга олган ҳолда банк балансининг актив ва пассив моддалари бўйича маблағ ҳажми ва унинг жойлаштирилиши демакдир”.[5]

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева: “Ликвидлилик атамасини сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳоказоларни англатади”, дея таъриф берган.[6]

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан У.Азизов, Т.Каралиевларнинг хулосастга кўра, «банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келажақдаги мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндиси». [7]

Профессор А.Омоновнинг таъкидлашича, “ликвидлилик – бу банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир”. [8]

Тадқиқот методологияси

Базель қўмитаси ўзининг 2010 йилнинг декабр ойида чиқарган “Ликвидлилик рискинни баҳолаш, унинг стандарти ва мониторинги халқаро ёндашувлар”¹ номли ҳужжатида ликвидлилик талабини иккига ажратади. Уларнинг бири бир ойлик, яъни қисқа муддатли даврда сценарий стресс-тестга бардош бера олиш имкониятини берувчи жорий ликвидлилик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio – LCR) бўлса, иккинчиси банклар узоқ муддатли даврда барқарорлигини ошириш ҳамда банклар фаолиятини доимий равишда барқарор манбалар билан молияштиришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичи (Net Stable Funding Ratio – NSFR) ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Жорий ликвидлиликни мақбул даражада таъминлаш мақсадида, банкнинг актив (активларни сотиш) ва пассив (банклараро депозитларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини Банк депозитларига жалб қилиш, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва жойлаштириш) операцияларини самарали амалга ошириш лозим.

Жорий ликвидлиликни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$\frac{\text{Жорий ликвидлик коэффиценти (LCR)}}{\frac{\text{Юқори даражадаги ликвид активлар}}{30 \text{ кун мобайнида соф пул чиқимлари}}} \geq 100 \%$$

Юқори даражадаги ликвид активларнинг фундаментал хусусиятлари:

- Кредит ва бозор рисқи паст;
- Баҳолаш осон ва аниқ;
- Рискли активлар билан ўзаро боғлиқликнинг камлиги;
- Ривожланган ва тан олинган биржалар листингига киритилган.

Юқори даражадаги ликвид активларнинг бозор билан боғлиқ хусусиятлари:

- Фаол ҳамда йирик бозорга эга;
- Маркет мейкерларнинг борлиги;
- Бозор концентрациясининг пастлиги, яъни сотувчи ҳамда сотиб олувчиларнинг турлича гуруҳланиши;
- Сифат учун кураш.

Юқори даражадаги ликвид активларга юқоридаги хусусиятларни ҳисобга олсак, қуйидагилар киради:

- Нақд пуллар;

¹ “Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring”.

•Марказий банкдаги резервлар, уларни иқтисодий ночор даврда олиш имконияти бўлиши лозим;

• Ҳукумат, марказий банк, марказлашмаган давлат ташкилотлари, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Европа Комиссияси ёки кўп томонлама тараққиёт банкларига бўлган талаблар ёки улар томонидан қафолатланган талабларни ифода этувчи ликвид-бозорбоп қимматли қоғозлар, шунингдек ушбу қимматли қоғозлар куйидаги хусусиятларга жавоб бериши лозим:

1. Базель II нинг стандартлашган ёндашувига асосан 0 фоизли рискка тортилиши;

2. Ушбу қимматли қоғозлар учун РЕПО бозорининг нисбатан кенглиги;

3. Ушбу қимматли қоғозлар бошқа молиявий ташкилотлар ёки банклар томонидан чиқарилмаган бўлиши лозим.

•Банк жойлашган ёки ликвидлилик rischi ҳисобланаётган мамлакатда ўша мамлакатнинг миллий валютасида ҳукумат ёки марказий банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлар.

“30 кун мобайнида соф пул чиқимлари” бу кутилаётган кумулятив пул чиқимларидан, кутилаётган кумулятив пул киримини айириш орқали топилади. Бунда ҳар бир пул чиқими, маълум бир чиқиб кетиш коэффициентини мажбуриятга кўпайтириш орқали аниқланади. Пул кирими стресс-сценарийси даврида кириб келиши мумкин бўлган ёки олиндиган пул оқимларининг йиғиндисига кириб келиш коэффициенти қўллаш орқали ҳисобланади.

Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти жорий қилишдан мақсад инвестицион банкларнинг инновациялари, балансдан ташқари моддалар рисклилиги ҳамда бошқа активлар ва фаолиятлар уларнинг ликвидлилик rischi профилларидан келиб чиқиб, энг кам миқдорда уларни зарур бўлган барқарор манбалар билан молиялаштиришдир.

Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти куйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (NSFR)}}{\frac{\text{Мавжуд барқарор манбалар}}{\text{Зарур барқарор манбалар}}} > 100 \%$$

Мавжуд барқарор манбалар ва уларнинг коэффицентлари²

Модда	Коэффицент
I ва II даражали капитал	100%
II даражали капиталдан ошган, рухсат этилган, амалдаги сўндириш муддати бир йил ёки ундан кўп бўлган бошқа имтиёзли акциялар ва капитал инструментлари	
амалдаги сўндириш муддати бир йил ёки ундан кўп бўлган бошқа мажбуриятлар	
жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектларининг барқарор депозитлари (сўндириш муддати бўлмаган ёки сўндириш муддати бир йилдан кам)	85%
жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектларининг нисбатан берқарор депозитлари (сўндириш муддати бўлмаган ёки сўндириш муддати бир йилдан кам)	70%
номолиявий корпорацияларнинг депозитлари (сўндириш муддати бўлмаган ёки сўндириш муддати бир йилдан кам)	50%
юқорида кўрсатилмаган бошқа мажбурият ва капитал	0%

Барқарор манбалар миқдори назорат органлари томонидан назорат таҳлилини қўллаш орқали банкнинг активлари, балансдан ташқари рисклари ва бошқа танланган фаолият турларининг ликвидлилик rischi профилларидан келиб чиқиб аниқланади. Мавжуд барқарор манбалар миқдорини аниқлаш учун уларни тегишли “мавжуд барқарор манбалар коэффиценти”га кўпайтириш лозим. Олинган натижаларнинг жами йиғиндиси эса жами мавжуд барқарор манбалар миқдорини беради.

Ушбу стандарт моҳиятига тўлиқ амал қилиш мақсадида, марказий банкларга молиялаштириш манбаси сифатида қаралмаслиги учун, марказий банкдан олинган, муддати узайтирилган, доимий очик бозор операцияларидан ташқарида бўлган кредитлар ушбу коэффицентни ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Талаб қилинган барқарор манбалар миқдорини ҳисоблаш учун банкда мавжуд ва банк томонидан молиялаштириладиган активлар йиғиндисини ҳар бир актив туридан келиб чиқиб тегишли “талаб қилинган барқарор манбалар коэффиценти”га кўпайтириш керак. Яқунда жами миқдорлар йиғиндиси ҳисобланади.

² “Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring”. Ilova-3; 36-bet

Зарур барқарор манбалар ва уларнинг коэффицентлари³

Модда	Коэффицент
нақд пуллар	0%
қисқа муддатли таъминланмаган фаол савдо қилинадиган инструментлар (<1 йил)	
тескари РЕПО билан аниқ компенцияланган қимматли-қоғозлар	
қолган сўндириш муддати (< 1 йил) бўлган қимматли-қоғозлар	
молия ташкилотларига берилган, янгиланмайдиган, қолган сўндириш муддати бир йилгача бўлган кредитлар	5%
ҳукумат, марказий банк, марказлашмаган давлат ташкилотлари, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Европа Комиссияси, кўп томонлама тараққиёт банклари чиқарган ёки улар томонидан қафолатланган қарз мажбуриятлари	
қарзлардан ҳоли номолиявий таъминланмаган корпоратив облигациялар, энг камида АА рейтинги, сўндириш муддати ≥ 1 йил	20%
қарзлардан ҳоли, листингга киритилган улуш қимматли-қоғозлари ёки номолиявий таъминланмаган корпоратив облигациялар (ёки облигациялар), энг камида А- рейтинг, сўндириш муддати ≥ 1 йил	50%
олтин	
номолиявий корпоратив мижозларга берилган кредитлар, < 1 йил	
сўндириш муддати < 1 йил бўлган, ж/ш.ларга берилган кредитлар	80%
бошқа барча активлар	100%
Балансдан ташқари моддалар	
амалдаги кредитнинг ва ликвидлик манбаларининг олинмаган қисми	10%
бошқа кўзда тутилмаган мажбуриятлар	назорат органлари белгилайди

Юқори ликвид активларга паст даражадаги “талаб қилинган барқарор манбалар коэффиценти” қўлланилса, нисбатан ликвидлиги паст, яъни ночорлик ҳолатларида барқарор молиялаштирилиши лозим бўлган активларга юқорироқ коэффицент қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари белгиланган барча меъёрлардан ортиқчаси билан бажарилган. Банк активларига

³ “Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring”. Ilova-3; 36-bet

параллел равишда юқори ликвидли активлар суммаси охириги беш йилда 5 мартага ошган. Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати эса 10 фоиз бандга ошиб, 2023 йил бошига 19,4 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

Банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари⁴

Сана	Юқори ликвидли активлар, млрд. сўм	Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	Ликвидлиликни и қоплаш меъёри коэффиценти, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	Соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз)
1	2	3	4	5	6
01.01.2019	20 202,4	9,4	170,7	107,9	30,9
01.01.2020	30 873,8	11,3	208,5	112,8	47,8
01.01.2021	50 475,7	14,2	224,5	109,9	67,4
01.01.2022	75 992,2	17,7	189,6	115,4	99,3
01.01.2023	104 472,9	19,4	211,6	115,6	110,1

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентининг минимал даражаси 100 фоиз бўган ҳолда деярли 2 барабар ортиғи билан бажарилган. Соф барқарор молиялаштириш меъёри ҳам 100 фоиздан ортиқ. Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти эса охириги йилларда кескин ошиб кетган ва минимал даражага нисбатан 4 марта юқори.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, банк тизими ликвидлиги юқори бўлганлиги ижобий ҳолат, албатта. Аммо ўта юқори ликвидлилик банк тизими даромадининг пасайишига, рнҗтабеллик кўрсаткичларининг тушиб кетишига олиб келади.

Шунингдек, жами активлардаги ликвидли активларнинг улушини аниқлаш мақсадида активлар таркибини таҳлил қилиш ва уларни меъёрий нуқтага етказиш мақсадида керакли актив ва пасив операцияларни амалга ошириш ҳамда ликвидлилик rischi валюта riskига таъсирини инобатга олиб, ҳар бир асосий валюта бўйича мониторинг ўтказиш ҳам ликвидлиликни самарали бошқаришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, жами мажбуриятлардаги доимий бўлмаган мажбуриятларнинг улушини доимий равишда назорат қилиш ва

⁴ <https://cbu.uz/uz/-Ўзбекистон> Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

прогнозлаштириш бўлиши мумкин бўлган ликвидлилик рискларини олдини олишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Банкларда ликвидлилик кўрсаткичларининг бир маромда сақлаб туриш ва бошқариш банк барқарорлигини таъминлашга ва ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилади. Банкларда ликвидлиликни бошқариш жараёнини мураккаб ва масъулиятли жараён ҳисобланади.

Фикримизча, банкларда ликвидлиликни таъминлаш ва самарали бошқариш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

банкнинг вакиллик ҳисобварақларини жорий ҳолатини кундалик ҳар бир валюта бўйича алоҳида назорат қилиш;

операцион кун бошланишига қадар банкнинг миллий ва хорижий валютадаги банклараро депозитлар, жисмоний ва юридик шахслар бўйича амалдаги аккредитивлари, депозитлар ва чиқарилган қарз мажбуриятлари бўйича мажбурий тўловларини аниқлаш;

операцион кун бошланишига қадар Банкнинг миллий ва хорижий валютада жойлаштирган банклараро депозитлар, берилган кредитлар, сотиб олинган қимматли қоғозлар ва конверсион операциялар бўйича талабларни аниқлаш;

операцион кун давомида банкнинг корпоратив мижозларининг жорий миллий ва хорижий валюталардаги йирик тўловларини ўз вақтида аниқлаш;

ҳар бир валютада алоҳида ликвидлик узилишни аниқлаш, салбий ҳолатда жорий тўловларни амалга ошириш учун молиялаш манбаларини излаб топиш;

ликвидлик узилишининг ижобий ҳолатида, ошиқча бўлган маблағни юқори ликвидли қисқа муддатли активларга жойлаштириш, ёки иложи борича муддатидан олдин келажакдаги мажбуриятларни сўндириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.

2. Эдвин Дж. Долан, Колин Д.Кэмпбелл ва Розмари Дж. Кэмпбел. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Общая научная редакция кандидата экономических наук В.В.Лукашевича. Москва-Ленинград 1991, Промышленно-финансовая компания “Профико”. -446 с. Стр. -436.

3. Банковское дело. Учебник. Под редакцией О.И.Лаврушин, -М., 2005. Стр. -260.

4. Банковское дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакцией А.Тавасиева. –М.:, 2001. Стр. – 388.
5. Банковское дело. Учебник. Под редакции В.И.Колесникова и Л.П.Кролевецкой. –М.: “Финанс и статистика”, 2002, Стр. -414.
6. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.
7. Азизов У. ва бошқ. Банк иши: Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016.- 530 б.
8. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010 йил, 43 бет.
9. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>
10. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>
11. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O‘zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o‘rni va rivojlanish omillari. (2024). Yangi O‘zbekiston Taraqqiyotida Tadqiqotlarni o‘rni Va Rivojlanish Omillari, 5(1), 375-382. <http://pedagoglar.org/index.php/04/article/view/1120>
12. www.cbu.uz- Official website of the Central Bank of Uzbekistan